O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DULLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 30 MART
SHANBA
№ 41 (26.900)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда «Нестле» корпорациясининг Осиё, Африка, Австралия, Океания ва Яқин Шарқ минтақалари бўйича президенти Майкл Гарретни қабул қилди.

— Ўзбекистонда «Нестле» билан ҳамкорликка алоҳида аҳамият берилмоқда, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Мамлакатимизда шу вақтгача биргаликда амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Намангандаги «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхонаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар биз учун ғоят муҳим. Чунки шу вақтгача стерилланган ва қуритилган сутни, йогурт, болалар кашаси каби ўта зарур маҳсулотларни четдан келтирар эдик. Мамлакатимизда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан хабарингиз бор. Шу жиҳатдан ҳам биз «Нестле» билан ҳамкорликдан манфаатдормиз.

Таъкидлаш жоизки, 1999 йилда бошланган ўзаро ҳамкорлик натижаси ўлароқ бугун Намангандаги «Нафосат» очиқ турдаги акционерлик жамияти негизида улкан қўшма корхона фаолият кўрсата бошлади. Режага кўра, 6 йил давомида 30 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя ўзлаштирилиши керак эди. 1,5 йил ичида шунинг 22 миллиони ўзлаштирилди. Айни вақтда Наманган вилоятида ўттизга яқин сут қабул қилиш пункти мавжуд. Жорий йилда бундай замонавий муассасалар сони қирққа етказилиши кутилмоқда. Шунингдек, 2002 йилнинг ўзидаёқ умумий баҳоси 2 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон корхоналарининг «Нестле» корпорацияси билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жамил Саид Иброҳим Фаид ишонч ёрлиғи топширди.

Миср араб дунёсида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлатдир. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари доимий равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туради. Шундан кўплаб халқаро ва минтақавий масалаларга муносабатларимиз муштарақдир.

Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалари ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия доимий равишда мажлислар ўтказади.

Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масаласи бош мавзу бўлган суҳбат чоғида Ислом Каримов Миср элчисига муваффақият тилади.

Жамил Саид Президентимизга Миср раҳбари Ҳусний Муборакнинг саломини етказди ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

✧✧✧

Шу куни Президент Ислом Каримов Молдова Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ефим Килардан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда фаолият бошлаётган янги элчига муваффақият тилар экан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар анъанавий тусга эга эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримовнинг 1995 йили Молдовага буюрган давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Молдова икки ва кўп томонлама ҳамкорлик қиладиган давлатлар сирасига киради. Халқаро тузилмалар, хусусан, МДҲ доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимиз ГУУАМ доирасида ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми салоҳиятимиз даражасида эмаслиги, заҳирада ишга солинмаган имкониятлар кўплиги ва улардан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Молдова элчиси ўз мамлакатидаги ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги тадбиркорлар билан бирга ишлаш истаги кучли эканлигини қайд этди. Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликдан ташқари, маданий алоқаларни ҳам янада ривожлантиришни ўз миссиясининг асосий мақсади, деб билишини айтди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ҒАРБ ҚАЛБИГА ОШУФТА САНЪАТ

Берлиндаги «Жаҳон маданияти уйи»да «Буюк ипак йўли» халқаро фестивали давом этмоқда. Ушбу халқаро маданий анжуманнинг мусиқали қисми ўзбек эстрада қўшиқчиси Юлдуз Усмонованинг гала-концерти билан ниҳоясига етди.

Фестиваль ташкилотчиларининг якуний концерт учун мамлакатимиз вакилларини танлагани тасодифий ҳол эмас.

— Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг, жумладан, Ўзбекистон мусиқа маданиятининг қай даражада ранг-баранг ва кўп қирралиэканлигини ўзбек санъаткорларининг чиқишлари мисолида кўрсатиб беришни ихтиёр қилган эдик, — деди мусиқашунос олим Н. Раджеб. — Ўзбек эстрада санъати шу жиҳати билан ҳам ўзига хос ва бетакрордирки, у минтақа халқларининг ҳам кўҳна, ҳам замонавий анъаналарини ўзида бирдек мужассам этган.

Мусиқа ихлосмандларига лиқ тўлган «Жаҳон маданияти уйи»да ўзбек қўшиқчиси ижросидаги «Дунё», «Жонона», «Бинафша», «Ялла» сингари миллий эстрада ашулалари гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

Мусиқа анжумани ниҳоясида Гумбольдт номидаги университет профессори Ингеборг Бальдауф хоним қайд этганидек, «Тадбир доирасида ўзбек санъаткорларининг чиқишлари ғарблик томошабинлар учун ўзбек халқининг ажойиб ва дилтортар мусиқа санъати билан янада яқинлашишга имкон берди. Ўзбек қўшиқчилиги қалбимизга қай даражада яқин эканлигини залда ўтирган томошабинларнинг беихтиёр рақсга тушиб кетишганидан ҳам билса бўлади».

■ «Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2002-2004 ЙИЛЛАРДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 1999-2004 йилларда уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашнинг тасдиқланган дастурида назарда тутилган газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш топшириқлари бажарилмаган.

Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган уй-жойларни газни ҳисобга олиш приборларисиз фойдаланишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Сув ва газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш дастури топшириқлари мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда. 1999-2001 йилларда республикада Дастурда белгиланган топшириқнинг 7 фоизи ҳажмида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарилган.

Табиий газдан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилишни ҳисобга олиш даражасини ошириш, ҳамма жойда барча газ истеъмолчиларини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2002-2004 йилларда республика ҳудудлари бўйича газлаштирилган уй-жой фондини (квартираларни ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ҳамда республика корхоналарида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш жадваллари;

газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқараётган корхоналарда газни ҳисобга олиш приборларига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш тармоқларини барпо этиш топшириғи;

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом;

газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаган тақдирда аҳолига коммунал-маиший эҳтиёжлар учун бериладиган табиий газнинг ойлик сарфи нормаси тасдиқлансин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

2. Белгиланснки:

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ҳамда квартираларда ва аҳолининг якка тартибдаги уйларида ўрнатиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси мablaғлари ҳисобига амалга оширилади;

тегишлилигидан қатъи назар, квартираларда ва аҳолининг якка тартибдаги уйларида ўрнатилган газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси томонидан амалга оширилади;

газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликка тортиладилар.

3. Газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаган янгидан қурилган кўп квартирали (реконструкция қилинган, мукаммал таъмирланган) уйларни фойдаланишга қабул қилиш ва якка тартибдаги уйларни табиий газга улаш тақиқлансин.

Газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган квартиралар ва якка тартибдаги уйларга 2005 йил 1 январдан бошлаб газ етказиб берилмасин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси билан биргаликда газлаштирилган уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалининг бажарилишини таъминловчи Тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги тасдиқланган Низом асосида

(Давоми 2-бетда)

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

САОДАТГА ЙЎҒРИЛГАН МАКОН

Ўтмиши жуда қадимга бориб тақалувчи, ҳар бир тошу гиёҳи мозийдан сўзлайдиган азим шаҳар — Термиз ўзининг 2500 йиллик қутлуғ тўйини нишонлаш арафасида...

Термизнинг ўтмишдаги довруғи, мағрибдан машриққа қадар юксалган обрў-нуфузи ҳақида кўп тўхталиш мумкин. Ахир, бағрида оламни маҳлиё этган, дунёни лол қолдирган не-не аллома-ю фозилларни, буюк донишмандларни вояга етказган маконлардан бири ҳам ана шу гўзал кентдир. Энг азалий манбаларда ҳам бу замин ҳақида фахр-ифтихор билан сўз юритилиши, «Эрлар шаҳри», «Мардлар шаҳри», дея эъзозланиши бежиз эмас. Ҳа, бу заминдан не-не азиз авлиёлар, қанчадан-қанча сохиби давронлар ўтмаган дейсиз! Шаҳар сифатида 25 асрдирки, номи етти иқлимга кетган, Буюк ипак йўлининг марказларидан бири бўлган — Термиз шаҳри жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан сўнг янада чирой очди, обод ва фаровон шаҳарга айланди. Йирик саноат, транспорт ва маданият маркази сифатида бўй кўрсатди.

Бугун Термиз шаҳри бўйлаб юрган ҳар бир одам унинг тобора чирой очаётганига, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидаги бузилмас қўрғон, мустаҳкам истеҳкомига айланганига гувоҳ бўлади.

Бугунги Термиз ғоятда файзли, обод ва ёруғ. Сабаби, улуғ Термизийлар ватани айни пайтда дунё нигоҳида ўзини, ўзлигини намоён этмоқда...

Гўзал Термиз, эй азиз шаҳрим,
Қутлуғ ёшинг муборак бўлсин.
Навқиронсан, ободсан бугун,
Бағринг нурга, шодликка тўлсин.

Ҳар бир тошинг ўтмишдан гувоҳ,
Ҳар қарич ер тарих беқиёс.
Фаёзтепа, Далварзинтепа,
Эски Термиз — бебаҳо мерос.

Бу тупроқда неча Алпомиш,
Термизийлар излари бордир.
Солнома-ю ривоятларда
Авлиёлар сўзлари бордир.

Озод юртнинг қутлуғ гўшаси,
Жайхун узра қад тутган шаҳар.
Юрт тинчлиги учун сарҳадда,
Сергакдирсан оқшому саҳар.

Истиқлолнинг порлоқ қуёши,
Бошинг узра энди нурафшон.
Омон бўлгил, эй, азиз шаҳрим,
Саодатга йўғрилган макон.

■ Носир МУҲАММАД

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

ҲАҚИДА КИМГАДИР ЁҚИБ, КИМНИНГДИР ҒАШИНИ КЕЛТИРАДИГАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Дунёда нима кўп таомнинг тури кўп. Бировга униси ёқади, бировга буниси. Масалан, Ҳиндистон аҳолисининг кўп қисми балиқ, тухум ҳамда гўштли таомларни истеъмол қилмас экан. Бизда сал бошқачароқ. Овқатда бир парча гўшт бўлмаса овқат егандай бўлмаймиз. Худога шукр, таомларимиз кўп, дастурхонларимиз тўкин. Меҳмон кутадиган ёки улфатлар тўпланадиган бўлса, энг сара, тансиқ, мазали таомларни тайёрлашга ҳаракат қиламиз.

Рости, бизда маишатга — истеъмолдан, еб-ичишдан келадиган маишатга, кўнгилхушликка мойиллик борлигини тан олмоғимиз керак. Биз нонуштани ҳам, тушликни ҳам, кечки овқатни ҳам алоҳида тантанага айлантиришни ёқтирадиганлар тоифасиданмиз. Тўй-маъракалар таомлар кўргазмасига айланиб кетади. Ҳатто айрим таъзияларда ҳам дастурхонлар худди тўйдагидек безатилади. «Чойхона», «Гап», «Гаштак» номли ҳафталик, ойлик йиғинларимизнинг асл мақсади ҳам овқатбозликка айланиб кетди.

Биз овқатлар теварагида тез йиғиламиз. Мақтанмоқчи бўлинса, кеча фалон жойда фалондай ўтирилганлиги, дастурхонга бир неча хил овқат тортилгани билан мақтанилади. Меҳмон чақирсак дастурхонимизни кўз-кўз қиламиз. Тўй, тадбир ёки бирор маъраканинг баҳосини ҳам дастурхонга қараб белгилаймиз. Тўкин бўлса «гап йўқ» деймиз, камсуқум бўлса кўнглимиз тўлмайди, гўёки хонадон эгасининг обрўси дастурхонига қараб тушгандай бўлади.

Бир янги нарса олинса, «ув-ув» бошланади. «Ювди»миз яна маишатбозлик, яна овқатхўрлик. Гўёки хурсандчилигимиз маишатдан иборат, у билан кўркам, у билан тўлиқ. Машина ёки уй олганини фалон миқдордаги пул сарфлаб нишонлаган ота фарзанди синфхона таъмири учун 1000 сўм сўраса, бир сапчиб тушади: нега мактаб таъмирига пул бериши керак экан?!

Икки қадрдон учрашиб қолишса бирдан чойхонагами, қаҳвахонагами йўл олинади. Айтинг-чи, олис қишлоқдан меҳмон бўлиб келадиган дўстингиз ёки қариндошингизни бирор марта театр, музейни кўя турайлик, шаҳар кўчалари бўйлаб сайрга таклиф қилганмисиз? Ёки бўлмаса, «ҳар келганимда фақат ошхонага судрайсан, кел, чиройли жойларни бир томоша қилайлик», деб у ҳам бирор марта бўлсин айтганмикин? Хушманзара жойлардан, янги, муҳташам иморатлардан, ободончиликдан, маъмурчиликдан завқланиш ҳисси, эҳтиёжи сизларни фалон иморат ёнига ёхуд фалон сайилгоҳга етаклаб чиқканмикин? Юртимиздаги ўзгаришлардан ғурурланиш, ифтихорга тўлиш ҳисси маишатбозликдан устун келган ҳоллари бўлганми?

Овқатни биз танлаб еймиз, мўл еймиз. Ғарбликлар учун овқат ҳисобланадиган салатлар биз учун газак вазифасини ўташи мумкин, холос. Европа мамлакатларидан бирида бўлган журналист укамиз қизиқ ҳодисани айтиб берган эди.

(Давоми 2-бетда)

DUNYO

VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ҲАВО ҚАТНОВИГА ОИД ЧЕКЛАШЛАР

Эстония Европа Иттифоқининг оғир вазнли самолётлар парвозини тартибга солишга оид чеклашларига қўшилишини билдирди.

Унга асосан, шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб мамлакат ҳаво қатламларида оғирлиги 34 тоннадан юқори бўлган ҳамда двигатель шовқини даражасининг Европа нормаларига мос келмайдиган ҳаво кемаларининг ҳаракатланиши тўхтатилади. Мамлакат авиация департаменти куни кеча ушбу қарорни эълон қилди. Маълумотларга кўра, эндиликда Россия ва Украинада ишлаб чиқилган оғир вазнли ҳамда модернизация қилинмаган АҚШ самолётларининг парвози тақиқланади.

Эстония ҳукумати бу қарорни ЕИга аъзо бўлишни тезлаштириш билан изоҳлайди.

ГУАНТАНАМОДА ЯНГИ РАҲБАР

Оқ уй маъмурияти Американинг Кубадаги Гуантанамо ҳарбий базаси раҳбарини алмаштиришни лозим топди, дея хабар қилади «Associated-Press» ахборот маҳкамаси.

Ушбу вазифага узоқ йиллардан буён ҳукумат ишончини оқлаб келаётган ҳамда кўпгина ҳарбий операциялар иштирокчиси адмирал Майкл Ленерт муносиб топилди. Халқаро кузатувчилар ҳарбий база раҳбариятининг кутилмагандаги бундай алмашинувини, кейинги пайтларда асирларнинг тез-тез очлик эълон қилиб билдираётган намойишига йўйишмоқда.

Дарҳақиқат, шу ойнинг бошида биринчи очлик намойиши бўлиб ўтганди. Ўшанда асирлар ўзларига халқаро ҳуқуқ нормаларида муносабатда бўлишни ҳамда адвокат ёллаш имконияти берилишини талаб қилишганди. Бу талаб база маъмурияти томонидан ўз пайтида ижобий ҳал қилинган. Шунга қарамасдан айни кунларда ҳам 45 нафар асир очлик эълон қилган. Улардан уч нафари тиббий назорат остида.

Ҳозиргача Гуантанамо ҳарбий базасида 300 дан ортиқ жангарилар сақланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2002-2004 ЙИЛЛАРДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича намунавий шартномани белгиланган тартибда икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда томонларнинг жавобгарлиги юзасидан қаттиқ чораларни назарда тутсин.

Белгилаб қўйилсинки, истеъмолчи (аҳоли) ва газ етказиб берувчи ўртасида тузилган газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартнома шартларининг бузилиши белгиланган тартибда судга даъво аризалари бериш учун асос ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг республика минтақаларида квартираларни ҳамда якка тартибдаги уйларни газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш учун имтиёзли кредитларни, шу жумладан Испания давлат кредит агентлигининг кредитини жалб этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда Испания томони билан контракт лойиҳасини келишиб олсин ҳамда унинг асосида уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини белгиланган тартибда тайёрласин ва экспертизадан ўтказсин.

7. 2002-2004 йилларда қуйидагилар:

газлаштирилган уй-жой фондини (кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвали доирасида Ўзбекистон Республикасига келтирилаётган газни ҳисобга олиш приборлари, шунингдек импорт бўйича харид қилинадиган якка тартибда фойдаланиладиган иситиш қозонларининг хавфсизлик автоматикаси ва тартибга солиш автоматикаси, газ-горелка жиҳозлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчиларга етказиб берилаётган бутловчи материаллар божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг корхоналари аҳолига газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш ва монтаж қилиш хизматлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган газни ҳисобга олиш приборларини «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонасига сотиш бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Н. Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 28 март

ОЛИЙ МАЖЛИС VIII СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ: ВАКОЛАТЛАР ТАҚСИМОТИ

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалалар орасида «Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепсияси тўғрисида»ги масала ҳам бор. Бунда икки палатали парламент хусусида сўз юритилиши табиий. Бинобарин, эндиликда икки палатали парламентни ташкил этиш ва сиёсий ҳаётимиз учун янгилик бўлган юқори палатани тезроқ оёққа турғазиш олдимиздаги муҳим вазифа бўлиб қолди. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, икки палатали парламент тизимида юқори ҳамда қуйи палата орасидаги муносабат ва палаталараро ваколатлар тақсимоти масаласи марказий ўринни эгаллайди. Парламент тизимига эга барча давлатларда парламент учта асосий ваколатни амалга оширади. **Уларнинг биринчиси, парламентнинг қонунчилик ваколатидир.** Парламент бу ваколатни ҳукумат суд ҳокимияти билан баҳам кўради. Айни пайтда халқаро шартномаларни ратификация қилиш, йиллик режаларни тасдиқлаш ҳам парламент ваколати доирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Конституция ва қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини тасдиқлаш, халқаро шартнома-ю битимларни ратификация ва деноисация қилиш Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатларидир. Шунингдек, 82-моддага асосан Олий Мажлис ўз депутатлари орқали қонунчилик ташаббусига эгадир.

Парламентнинг иккинчи ваколати — бюджет-молия ваколатидир. Ҳукумат томонидан илгари сурилган ҳар қандай молиявий қонун ва дастурлар ҳамда йиллик бюджет миқдори парламент томонидан тасдиқланиши керак. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилади ва унинг ижросини назорат этади ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жориялайди.

Назорат қилиш — парламентнинг учинчи ваколатидир. Одатда парламент ижроия ҳокимият устидан ўз назоратини амалга оширади, яъни ҳукумат парламент олдида ҳисоб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 85, 86-моддаларига асосан Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимларини, уларнинг ваколатларини белгилайди. Олий Мажлис Раиси орқали қонунлар ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилади (85-модда) ва тегишли назорат қилувчи қўмита ва комиссиялар сайлайди (86-модда).

Парламентни ташкил этган палаталар орасидаги ваколат тақсимоти масаласида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи ривожланган давлатларда улар орасида расман ва норасман ваколатлар тақсимоти йўқ. Масалан, Италияда 1947 йил 22 декабрда қабул қилинган мамлакат конституциясининг 70-моддасига асосан «ҳар икки палата қонунчиликни тенг амалга оширади». Қонун лойиҳалари бўйича икки палата орасидаги муаммоли масалалар 70-моддада кўзда тутилган қўшма комиссиялар тузиш билан ҳал этилади. Айни шундай ҳолат Руминия парламентида ҳам бор. 1991 йил 8 декабрда қабул қилинган мамлакат конституциясининг 74-моддасига кўра «қонунлар ҳар икки палата аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади».

Франция, АҚШ каби давлатларда палаталар орасида расмий конституциявий ваколатлар тақсимоти мавжуд эмас, бироқ амалда ваколатлар норасмий тарзда тақсимлаб олинган. Анъанавий қоидаларга кўра, ташқи ва ички сиёсатнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда юқори палата — Сенат устувор ваколатларга эга. Ҳолбуки, Франция конституциясининг (1958 йил 4 октябрда қабул қилинган) 45-моддасида «Ҳар қандай қонун лойиҳаси ва қонунчилик соҳасидаги таклифлар бир хил матнда қабул қилиниши учун ҳар икки палатада навбатма-навбат кўриб чиқилади» дейилади. Аслида, Сенат ташқи ишлар, мудофаа, қуролли кучлар, молия, бюджет назорати, миллий иқтисодий ҳисоб-китоблар, конституциявий ва сайлов қонунчилигида устувор ваколатларга эга бўлса, қуйи палата — Миллий Мажлис ижтимоий, оилавий, маданий ишлар, умумий иқтисод (давлат бюджетини текшириш), ишлаб чиқариш ва савдо қонунчилиги билан шуғулланади.

1787 йил 17 сентябрда қабул қилинган АҚШ конституциясининг 8-бўлими Конгресснинг умумий ваколатини санаб ўтади. Бунда ҳар икки палата тенг ҳуқуқ ва мавқега эгадек кўринади. Бироқ, I-модда, 7-бўлимнинг 1-бандига асосан «Даромадлар тушуми бўйича барча қонун лойиҳалари фақатгина вакиллар палатасидан чиқади, лекин Сенат қўшимча ва тузатишлар киритиш бўйича музокаралар олиб бориши мумкин». Сенат ҳам ўз навбатида қуйидаги соҳаларда ўз устунлигини намоён қилади: сиёсий-ҳарбий шартномалар Президент томонидан тузилиши мумкин, лекин у Сенат тасдиғига киритилиши шарт. Энг юқори мансабдор шахсларнинг (Олий Суд судьялари, элчилар) тайинланиши ҳам кўпчилик овоз билан Сенат томонидан қувватланиши лозим. Президент томонидан тузилган иқтисодий шартномалар ва штатлар орасида келишилган шартномалар эса Вакиллар палатаси томонидан ратификация қилинади.

Буюк Британия ва Япония каби чекланган монархия тузумидаги давлатларда парламентнинг фақат биргина палатаси мутлақ устувор мавқега эга эканлиги боис, қуйи вакиллар палатаси рамзий маъно касб этган юқори палатага нисбатан кенг ваколатларни ўзлаштириб олган.

Федератив характердаги давлатларда парламентни ташкил этган федерал палата ва федерацияга аъзо ўлкалар вакиллиги палатаси орасидаги ваколатлар конституциявий тарзда аниқ белгилаб берилган.

Германия парламентида ўзига хос ҳолат мавжуд. 1943 йил 23 майда қабул қилинган мамлакат конституциясининг 73-моддасига кўра ташқи ишлар, мудофаа, фуқаролик бериш, эммиграция, иммиграция, паспорт режими, валюта, пул зарб қилиш, божхона, савдо, ҳаво алоқаси, почта ва телекоммуникация хизмати соҳалари федерал палата ҳисобланган Бундестагнинг мутлақ ваколати соҳасига киради. Мазкур модданинг 10-банди ҳар икки палатанинг ҳамкорлик соҳаларини (жиноий полиция, конституциявий тузум муҳофазаси, статистика) белгилайди. 74-модда эса аксинча, ҳар икки палата қонунчиликда рақобат қилиши мумкин бўлган соҳаларни (фуқаролик ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, таълим, хўжалик ҳуқуқи) кўрсатиб беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, палаталар орасида ваколатлар тенг ёки нотенг, расман ва норасман ҳамда соҳалар бўйича вертикал ёки ҳудудий миқёсда горизонтал ҳолатда тақсимланган бўлиши мумкин экан.

Шу ўринда Ўзбекистонда шаклланаётган юқори палата қандай ваколатларга эга бўлади, деган савол туғилиши табиий. Аввало, у парламент палатаси сифатида қандай сайлов тизими асосида сайланганидан қатъи назар, ўз ваколатини халқдан олади. Асосий Қонуннинг 7-моддасига асосан халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг ваколати қуйи палатадан кенгроқ бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У умуммиллий манфаатларнинг ҳудудий манфаатлар билан уйғунлигини таъминлайди. Юқори палата Президентнинг, қуйи палатанинг, қолаверса, Конституциявий суднинг баъзи ваколатларини ўз зиммасига олиши мумкин. Умуман, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, икки палата орасидаги ваколатлар тақсимоти парламент фаолиятининг иккига бўлиниб қолиши ёки парламент яхлитлигининг дарз кетишига олиб келмайди. Аксинча, ваколатлари тақсимланган палаталар орасида боғлиқлик пайдо бўлади ва оқилона «меҳнат тақсимоти» икки палатали парламент тизими афзалликларини рўёбга чиқаришга кенг имконият яратади.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
сиёсий шарҳловчи

ХДП ХАБАРИ

ПАРТИЯ САФИДА — ФАОЛ ЁШЛАР

Яқинда Архитектура ва қурилиш институтининг «Маънавият ва маърифат» маркази хонасида Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биринчи котиби, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Ҳайдар Бобохонов билан талабалар учрашуви бўлиб ўтди.

«Ёшлар ва сиёсий партиялар» мавзусига бағишланган давра суҳбатини мазкур институтнинг биринчи проректори, бошланғич партия ташкилотининг котиби Рихсивой Юсупов олиб борди.

Суҳбат иштирокчилари ўз эътиборини партия дастуридан ўрин олган ёшлар сиёсатига қаратди.

Чунончи, Ўзбекистон ХДП МК ҳузурида тузилган «Истиқлол» ёшлар клубида истеъдодли ёшлардан тузилган турли йўналишдаги бўлимлар ташкил этилган. Мазкур тумандан бешта ўттиз ёшгача бўлган сафдошларимиз мазкур клубнинг аъзосидир.

Йиғилишда ёшларни ҳамжиҳатликка даъват қилиш ҳамда келажакни ақл-заковатимиз, идрок, эътиқодимиз билан яратишимиз керак, деган фикр-мулоҳаза ўртага ташланди.

Бу учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди. Ўн нафар талаба Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига кириш учун ариза анкетасига имзо чекдилар.

■ **Шерзод МАВЛОНОВ,**
Тошкент Архитектура ва қурилиш институти талабаси, ЎзХДП аъзоси

ЁШЛАРНИ САЁҲАТГА ЧОРЛАБ

«Роботи Малик» саёҳатчилар уюшмаси ёшлар учун ўзига хос тадбирни ташкил этди. Тошкентда «Саёҳатчилар куни» биринчи марта нишонланди. «Саёҳатчилар нонуштаси» деб номланган бу тадбирни ўтказишдан мақсад ҳадемай бошланадиган сафарлар мавсумига ёшларнинг ҳозирлигини кўздан кечириш эди. Саёҳатсевар йигит-қизлар чодир ўрнатиш, гулхан ёқиш, сафар халтасини ҳозирлаш каби юмушларни уддалаш бўйича ўзига хос синовдан ўтдилар. Саёҳат бу сафар геологлар музейи зали бўйлаб давом этди. Академик Рустам Юсупов диёримизнинг табиати, бойликлари хусусида сўзлади. Тарихчи олим Сарвар Аширов, тажрибали саёҳатчи Владимир Ширяев ҳамда уюшма кенгаши раиси Виктор Цойлар бўлажак саёҳатлар режаси хусусида мулоҳаза юритдилар.

■ **Умида УМАРХЎЖАЕВА**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

ҲАҚИДА КИМГАДИР ЁҚИБ, КИМНИНГДИР ҒАШИНИ КЕЛТИРАДИГАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Дўстим билан емакхонага кирдик. Ўрганганимиздай биринчи, иккинчи, салат, нон, чой қилиб буюртма бердик. Айтганларимизни қўйишганида стол юзида очиқ жой қолмади. Хот-дог ёки салат еб турган атрофимиздагиларнинг нигоҳи бизга қадалди, — деб ҳикоя қилади у. — Ҳаш-паш дегунча бўш тарелкаларни қалаштириб ташладик. Бу ердагиларнинг 5-6 тасининг тушлигини иккаламиз саранжомлаб қўйганлигимизни биз кейинроқ англадик. Уларда овқатга эътибор йўқ даражада экан. Тушлик бизда байрам қаршилагандек кутилса, улар тушликни битта бутербродни юриб еб, ўтказиб юборишади. Кечқурун эса биздан фарқли ўлароқ кам овқат ейишга ҳаракат қилишар экан. Уларнинг наздида соғломлик кўп овқат ейишга эмас, тўғри овқатланишга боғлиқ. Энг бадавлат одамлари ҳам ошқозонига сиққанича овқат емайди. Ва бу хасислик ҳисобланмасдан, балки овқатланиш маданиятига киради, деган қараш бор уларда».

Фаровон европаликларнинг тўкиб-сочиб овқатланмаслигини, тўйларида қозонқозон ош дамламаслиги-ю отасининг йил ошига етти маҳаллани чақирмаслигини тушуниш биз учун бироз қийинлик қилар. Лекин бу нарсалар ортиқча чиқимдорликка сабаб бўлаётганлигини тушуниш ҳарқалай оғир бўлмаса керак. Ота-боболаримизнинг исрофгарчиликдан тийилиш лозимлиги ҳақида кўп панд-насиҳатлари бор. Керагидан ортиқча ейиш ҳам исрофгарчилик эмасми?..

Одамлар овқатланиш учун яшаса, мен яшаш учун овқатланаман, деган экан Ибн Сино. У кўп ейиш ва кўп ухлаш руҳни ўлдиради, деб ҳисоблаган. Ҳозирги тиббиёт ҳам 90 фоиз касаллик оғиздан, яъни таом орқали танага киришини таъкидлайди.

Нафс — маънавиятсизлик, касаллик, инсониятнинг душмани. У бир умр шу душманлар устидан ғолиб бўлишга интилади. Уларни енгиш диний қарашлар наздида комиллик белгисидир. Нафс балоси, маишатпарастлик не-не одамларни бадном қилган, ҳатто давлатларни ҳам ич-ичидан емирган.

Узоққа бормай ўз тарихимизга зийракроқ назар ташласак, кўпдан-кўп аламли мисолларнинг гувоҳи бўламиз.

Ана шу аччиқ сабоқлар туфайлими, ҳар ҳолда аждодларимиз кам е, кам де, дейишган. Лекин бунга амал қилиш анча оғир кечаяпти. Биз кам есак гўёки хасислашгандай туюламиз — дунёқарашимиз шундай.

Чунки «гап» деса емакни тушунамиз, тўй дейилса 4-5 хил таом хаёлимизга келади, маишатни таом ейишдан излаймиз, дам олиш овқатланиш орқали амалга ошади...

Дарвоқе, биз мазза қилиб, чиройли дам олишни қандай тушунамиз экан?

Чойхонадами ёки бирор ресторандами ўтирилса. Олдингдан таом узилмаса — биринчиси, иккинчиси, учинчиси, тўртинчи, хуллас, дастурхонда фақат қуш сути йўқ, холос. Дилга яқин дўстинг билан есанг, ичсанг. Бизнинг назаримиздаги рисоладагидай дам олиш шу эмасми?

Яхши китоб ўқиб туриб ҳам дам олиш мумкин, деманг, мазах бўласиз. Музей ёки театрга бориб мазза қилса бўлади, дейилса бизга ғалати туюлиши турган гап.

Яхши ейиш, яхши қийиниш, умуман яхши яшаш тириклик эҳтиёжи. Унга ҳар бир инсоннинг интилиши табиий ва ҳар бир одамнинг фаровон яшаши лозимлиги содда ҳаёт арифметикасидир. Лекин ейишни ҳаётнинг мазмунига айлантириб олиш руҳдан тананинг устун бўлишига олиб келади, нафснинг тантанасини таъминлайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бошларининг тагига танамни роҳатга ўргатмайин, деб тошни ёстиқ қилиб ётар эканлар. Танани роҳатлантириш хавфли бир қутқуки, тана маишатбозлиги кўпаяди.

Ёмон овқатланишдан ахлоқ-одоб ҳам айниб кетади, деган эди юнон файласуфларидан бири. Овқатланиш билан ахлоқ-одоб, фикр-қараш боғлиқлигига ишора бу. Замонавий тиббиёт гўшт истеъмоли ҳужайраларнинг тез ўлишига, яъни инсоннинг тез қаришига, таъсирчанлик, раҳмдиллик каби сезгиларнинг пасайишига олиб келишини аниқлаган. Зеро, тартибсиз, кўп овқатланиш нафснинг улғайишига олиб келади. Инсон эса фақат танадан иборат жонзот эмас.

Халқимиз доно: емоқни нафс дейди. Бир умр нафсингни тий, деб ундан қайтариб келади. Бор гап, нафс балоси эзгуликнинг қушандаси, разолатнинг дўстидир. Ер юзидаги қайсики бир жанжал, қаердаки бир келишмовчилик бўлса унинг қўли бор. Уни ҳамма динлар, жамики улуғлар инсониятнинг душмани деб лаънатлашган. Инсониятнинг ҳаёти ҳам нафс билан курашиш тарихидан иборат.

Ўйланиб қоласан киши, шундай ақл-идрокли инсон наҳотки ўз нафсини ўзи тиёлмаса?!. Наҳотки ҳамма ҳам ҳаёт мазмуни яхши ейиш, яхши қийинишда эмас, балки хайрли амалларда, савобли ишларда, инсон манфаати йўлида яратилган кашфиётларда эканлигини англай олмаса?!

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

ТАҲРИРИЯТДАН: Назаримизда ушбу мақолада муҳим мавзу кўтарилган. Юзаки қараганда гап гўё овқатланиш маданияти ҳақида кетаётгандай. Аслида эса, гап миллат маънавияти, маданияти ҳақида. Мамлакат, жамият тақдирига бефарқлик, лоқайдлик ҳақида. Шу Ватан, шу юрт истиқболи йўлида қайғуриш, миллат шаъни, обрў-эътибори учун жон койитиш ўрнига маишатбозлик домига тушиб қолаётганлар ҳақида. Энг ачинарлиси, қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек бундай хатти-ҳаракатлар болалар тарбиясига ҳам таъсир қилмоқда. Ёш-ёш йигитчалар орасида ҳам «гап» ўйнаб, базму жамшидга рўжу қўйиш ҳоллари учрамоқда. Улардан эртага нимани кутиш мумкин? Болаларимиз ҳозир нима билан машғул бўлиши керак? Бугун немис, француз, япон болалари компьютер билан тиллашаётган, физика, химия сирларини ўзлаштираётган, тил ўрганаётган бўлса-ю бизнинг болалар «гап» ўйнаб юрса... Эртага нима бўлади? Гап ана шу эртамиз ҳақида.

Ушбу масала бўйича газетхонларимиз, ота-оналар, зиёлиларимиз, қўйингки юрт, миллат ташвишидаги ҳамюртларимиз фикрларини кутамиз.

МУНОСАБАТ

БИР ТОННА МЕТАЛЛГА — УЧТА ЧЕЛАК ЁКИ ИККИ ЖУФТ ЭТИК?

«ТЕМИР-ТЕРСАК — КИМГА КЕРАК?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИ ЎҚИБ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 26 февраль сонидаги «Темир-терсак — кимга керак?» номли мақолани синчиклаб ўқиб чиқдим. Мақолада мамлакатимиз халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлаётган хомашёни исроф қилмаслик, уни йиғиб, топширишдаги бир қанча тўсиқлар ҳақида таҳлилий фикрлар билдирилган. Аслида бу масала республикамиздаги ҳар бир фуқаронинг муҳим вазифасидан бири бўлиши керак.

Президентимиз маърузаларида моддий ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш ҳақида олдимизга аниқ вазифаларни белгилаб бердилар.

Бу вазифаларни амалга оширишга ҳар биримиз масъулмиз. Ўтган даврда мамлакатимизда нефть ва ғалла мустақиллигига эришилди. Ушбу моддий бойликларимизни янада тежаб-тергаб ишлатишга, самарали фойдаланишга эътибор қаратишимиз лозим. Бир тасаввур қилинг: республикамизда 25 миллиондан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. 10 миллион нафари 10 граммдан нонни исроф қилса бу — 100 тоннани ташкил этади. Бу, демак, бир кунда 400 граммдан истеъмол қилган 250 минг нафар кишининг насибаси. Ёки аккумулятор йўқлиги сабабли битта трактор бир кунда 1 соат беҳуда ишлаб турса 4-6 литр дизель ёнилғиси исроф бўлади. Бу рақамни туман, вилоят, республика миқёсида ҳисобласак-чи? Электр энергияси, табиий газни исроф қилсак-чи?

Энди темир-терсакка келсак. Оммавий ахборот воситаларидан республикамизда ягона бўлган Бекобод металлургия заводи маҳсулотлари АҚШ ва Хитойга сотилаётганини эшитаман. Бу бир томондан яхши, албатта. Лекин, келажакни ўйласак, катта хатога йўл қўймаяпмизми? АҚШ ёки Хитойда металл етишмайдими? Етишади. Бироқ улар узоқни ўйлаб ишлашади. Шундай экан, темир ёки пўлат парчалари бизда сероб бўлса-да, ҳисоб-китоб билан расамади қилишимиз керак!

Агар ушбу материаллар бизда ишлатишга нобоп бўлса, алмаштириб олиш чорасини кўрайлик. Мен бир нарсага ҳайронман: мамлакат миқёсида тармоқлардаги камчиликлар доимо Президентимиз томонидан кўтарилгандан кейингина ҳамма жойда оммавий ахборот воситалари ушбу соҳаларни маълум муддат ёза-ёз қиладилар ва кейин яна жимлик бошланади. Нега шундай? Нега таҳлилий мақолалар мунтазам бериб борилмайди?

Темир-терсак бўйича хўжалигимиз мисолида айрим фикр ва мулоҳазаларни айтмоқчиман. Кейинги икки йилда — 2000 йил январдан 2002 йил 1 мартгача жамоамиз «иккиламчи қора металл» корхонасига 36,6 тонна темир-терсак топширди. Шундан ўтган йили 14,2 тонна — ҳар бир тоннаси 3640 сўмдан, бултур 18,2 тонна — ҳар бир тоннаси 6060 сўмдан 7280 сўмгача, жорий йилда эса 4,3 тонна ҳар тоннаси 7160 сўмдан ҳисобланган темир-терсакни хўжаликнинг ўз техникаси билан олиб бориб топширганмиз. 60-70 километр йўл босилиб, бунга ҳам 5-10 минг сўмдан харажат қилганмиз. Топширган темир-терсакнинг жами баҳоси 200,8 минг сўм бўлди. 36,6 тонна темир-терсакни ўша жойга олиб бориши учун транспорт харажатининг ўзига 127,5 минг сўмни ташкил этди. Қаранг шунча темир-терсак топширишдан 73,3 минг даромад олдик: бир тонна металл парчаси хўжаликка бор-йўғи 2.0 минг сўм келтиряпти. Энди темир-терсакни бўлаклаш, кесиш, пулини ўз вақтида ололмасдан югуриш харажатларини қўшсак хўжаликка ҳеч вақо қолмайди, фақат югурганимиз ортиқча. Шуни айтсалар керак, уловидан тушови қиммат, деб. Мақолада таъкидланганидек, мамлакат хазинасидан катта фойда олаётган металлургия комбинати темир-терсак баҳосини оширса, далаларда чириётган ва қумилиб йўқ бўлаётган, темир-терсаклар ҳам йиғиштириб олинарди.

■ **Нурали АРАЛОВ,**
Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, вилоят Кенгаши депутати.

ЕР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ЕР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПСА

УНИ ҲЕЧ КИМ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛОЛМАЙДИ

2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида табиий бойликларимиздан тежамкорлик билан фойдаланиш, айниқса, ерга муносабат ҳақида жиддий ташвиш билан гапирилди.

Дарҳақиқат, бизни боқаётган, ризқ-насиба, нон-туз бераётган ерни талон-торож қилиш ҳоллари кўп жойларда учрамоқда. Ерга хўжасизларча муносабатнинг асосий сабаблари нимада? Тоқат қилиб бўлмайдиган бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак?..

Наманган вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ғофур БАРНОЕВ билан суҳбат шу мавзуда.

— Ғофур Латибович, Президентимиз ерга муносабатда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ҳақида тўхталди. Ердан оқилона фойдаланиш борасида вазифалар аниқ кўрсатилди. Бу хусусда прокуратура органларининг олдида турган энг муҳим ишлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Аввало, ўзимизга бир саволни берайлик: Юртбошимиз ердан фойдаланиш масаласига нега бунчалик жиддий эътибор беряпти? Ер ҳақидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари содир бўлаётгани, қанчаданқанча ерлар, энг аввало, суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетаётганлиги ҳақида нега бунчалик қуюниб гапирди?

Бунинг сабаби, менимча, шундаки, инсоннинг ҳаёт-мамоти ерга боғлиқ. Бизни боқадиган шу ер. Ерга хўжасизлик, ноинсофлик бу эртанги кунга, бошқача айтсам фарзандларимиз ризқ-рўзига хиёнат ҳисобланади. Афсуски, ердан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, талон-торожлик ҳолатлари оз эмас.

2001 йилда Наманган вилоятида ер ресурслари ҳисобини юритиш ва ундан фойдаланишда бир қатор қонунбузиш ҳолларига йўл қўйилган. Вилоятда экин экиладиган майдонлар 196,2 минг гектарни ташкил этади. Шундан чорва озуқалари етиштириш учун ажратилган 6 минг гектар ерга умуман бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиб юборилган. Сув тақчил бўлганига қарамай, 2300 гектар ерга ўзбошимчалик билан шоли экилишига йўл қўйилган. Айрим туман ва хўжаликларда қонунга хилоф равишда экин режасини ўзгартириш фактлари аниқланган. Масалан, чорва экинлари Попда 1900, Мингбулоқда 1700, Косонсойда 715, Норинда 300, Учқўрғонда 400, Уйчида 232 гектар режага нисбатан кам бўлиб, ўрнига бошқа экинлар ортиқча экилган. Баъзи мансабдор шахслар эса умумхалқ бойлигини талон-торож қилиб, ерни қонунга зид равишда сотиб ёки ижарага бериб юборганлар. Мисол учун, Мингбулоқ тумани «Гулбоғ» ширкат хўжалиги бўлим бошлиғи А.Эсонов, Уйчи туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси А. Ҳамидовлар ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўзларига бириктирилган ерларни бошқа фуқароларга нақд пулга сотиб юбориб, хўжаликларига катта миқдорда моддий зарар етказганлар. Улар тегишли жазоларини олишди.

Умуман, ўтган йили прокуратура органлари томонидан ердан фойдаланиш билан боғлиқ 204 та ҳолатда қонунбузарликка йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, ердан хўжасизларча фойдаланган 24 та, бошқа мақсадларда фойдаланган 55 та, экин майдонини ҳисоботдан яширган 48 та, фуқаролар томонидан ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган 69 та ҳолат аниқланди. Юқорида қайд этилганлар бўйича тегишли тартибда прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

